

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2019.Tib.122.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Хизматда фойдаланиш учун ____ - сон

НАЗАРОВА НИГОРА БОХОДИРОВНА

**ИОНЛАШТИРУВЧИ НУРЛАНИШ ГЕНЕРАТОРЛАРИ БИЛАН
ИШЛАЙДИГАН ПЕРСОНАЛНИ РАДИАЦИЯДАН ҲИМОЯЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Назарова Нигора Боходировна

Ионлаштирувчи нурланиш генераторлари билан ишлайдиган
персонални радиациядан ҳимоялашни оптималлаш-
тириш..... 3

Назарова Нигора Боходировна

Оптимизация радиационной защиты персонала, работающего с
генераторно-ионизирующим излучением..... 25

Nazarova Nigora Bokhadirovna

Optimization of radiation protection of personnel working with generator
ionizing radiation 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2019.Tib.122.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Хизматда фойдаланиш учун ____ - сон

НАЗАРОВА НИГОРА БОХОДИРОВНА

**ИОНЛАШТИРУВЧИ НУРЛАНИШ ГЕНЕРАТОРЛАРИ БИЛАН
ИШЛАЙДИГАН ПЕРСОНАЛНИ РАДИАЦИЯДАН ҲИМОЯЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib551 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.


Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fmioz@mail.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Зарединов Дамир Арифович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хаширбаева Динора Маккамбаевна тиббиёт фанлари доктори Хамрақулова Муқаддасхон Аскаровна тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Тошкент тиббиёт академияси


Диссертация химояси Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти хузуридаги PhD.04/30.09.2019.Tib.122.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» Октябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 712000, Фарғона ш., Янги Турон кўчаси, 2-уй. Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти e-mail: fmioz@mail.ru).

Диссертация билан Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 1 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 712000, Фарғона ш., Янги Турон кўчаси, 2-уй. Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти . Тел./факс: (99869) 243-06-62).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» Октябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «14» Октябрь даги 1 рақамли реестр баённомаси).


Ф.Н.Саломова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент


Ш.А.Норматова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари доктори(PhD)


Н.Ж. Эрматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент



КИРИШ (докторлик (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда рентгенорадиологик текшириш усуллари энг кенг тарқалган ташхислаш текширишлари бўлиб, улар клиник ташхисларнинг 60-80%, алоҳида назологик шакллар бўйича эса 100%гача ўрнатилади. Ионланувчи нурланишнинг техноген манбаларидан (ИНМ) аҳолини умумий жамоавий қийматигача бўлган тиббий нурланишнинг улуши ривожланган мамлакатларда 35%дан ортиқни ташкил этади. Тиббиёт амалиётида ҳақиқатан учрайдиган радиацион ва норадиацион омилларни бирга келишида энг кенг тарқалган ва шу билан бир вақтда гигиеник нуқтаи назардан энг кам ўрганилган бўлиб, ИНМдан фойдаланувчи ходимларнинг меҳнат шароити ҳисобланади. Ионланувчи нурланишнинг биологик таъсирини замонавий концепцияси бўйича ҳар қандай, ҳаттоки, энг кичик қийматлар ҳам стохастик самарани юзага келиш хавфини оширади, у нурлангандан кейин узоқ йиллардан сўнг белги бериши мумкин. «...даволаш профилактика муассасалари ишчиларининг вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ бўлган касалланиши, шунингдек, А тоифа ишчиларида юрак қон томир, нафас ва асаб тизими ҳолатини клиник-физиологик баҳолаш натижалари тўғрисидаги қатор маълумотлар...»¹ қайт қилинган. ИНМнинг йўл қўйиладиган даражасини гигиеник меъёрларни асослаш, саломатлик ҳолатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ионланувчи нурланиш генераторлари билан ишловчи шахсларни касалликларини олдини олиш ва эрта ташхислаш мезонлари, бўсаға қийматига эга бўлмаган стохастик биологик самараларни олдини олиш ва башоратлаш жиддий муаммо бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда ионлантирувчи нурланиш генераторлари билан ишлайдиган персонални радиациядан ҳимоялашни оптималлаштириш борасида қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада пилот минтақаларида даволаш профилактика муассасаларининг ташхислаш аппаратлари билан техник жиҳозлаш ва ривожланиш тенденциясини, даволаш профилактика муассасаларида ташхисий текширувлар сони, тузилмаси ва динамикасини гигиеник тавсифини тузилишини, даволаш профилактика муассасаларидаги нурли (рентген) ташхислаш бўлинмаларида ходимларни нурланиш қийматини даражаси ва тузилмасини баҳолаш ҳамда радиацион хавфнинг ҳисоблаб чиқилган жинс-ёш коэффиценти ва нурланган органлардаги эквивалент қиймат асосида рентген қурилмалари билан ишлаганда ходимларни нурланишини стохастик самарасидан радиацион хавфни ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш,

¹Колесникова Е.В. О необходимости внесения изменений во флюорографическую службу / Е.В. Колесникова: матер. межрег. науч.-практ. конф. - Челябинск, 2007. - С. 122 - 125

тиббиёт ходимларни ионлантирувчи нурланишдан химоя қилишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар тиббиёт ходимларни ионлантирувчи нурланишда химоялаш, турли радиацион хавф билан боғлиқ соматик касалликларни камайтиришга қаратилган фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги (2015), 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5590-сон Фармонлари, ҳамда 2019 йил 15 октябрдаги 869-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида радиацион вазият мониторинги ва радиацион аварияларга ягона башоратлаш, эрта аниқлаш ва таъсирланиш тизимлари тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ионланувчи нурланиш манбаларини салбий таъсирини камайтириш бўйича профилактик чора-тадбирларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш бутун жаҳонда олиб борилмоқда. Тадқиқотларнинг бош мавзуси бўлиб, НИМ таъсирини йўл қўйиладиган даражасини гигиеник меъёрларини асослаш, ионланувчи нурланиш генераторлари билан ишловчи шахслар орасида саломатлик ҳолатини баҳолаш ва касалликларни олдини олиш бўйича тадбирлар мезонларини ишлаб чиқишни асослаш бўлиб ҳисобланади. Бўсаға қийматига эга бўлмаган стохастик (эҳтимоллик) биологик самараларни олдини олиш ва башоратлаш жиддий муаммо бўлиб ҳисобланади. Даволаш профилактика муассасалари ишчиларининг вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ бўлган касалланиши, шунингдек А тоифа ишчиларида юрак қон томир, нафас ва асаб тизими ҳолатини клиник-физиологик ўрганиш натижалари тўғрисидаги қатор маълумотлар [Воронин К.В., 1998; Варшавский Ю.В., 2008; Виноградов В.С., 2007] нашр этилган. Даволаш профилактика муассаса ходимларида радиацион гигиена бўйича аксарият

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тадқиқотларнинг энг катта камчилиги бўлиб, саломатликнинг алоҳида кўрсаткичлари ва ишловчилар нурланишининг индивидуал ва жамоавий қиймат самараси ўртасидаги кузатиладиган силжишлар боғлиқлиги таҳлилини мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Ўзбекистонда аҳолини нурланишни чегаралаш бўйича келиб чиқиши табиий ва техноген бўлган ионланувчи нурланиш манбаларини гигиеник баҳолаш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда (Л.А.Пономарева ва ҳаммуал., Д.А. Зарединов., 2001) бироқ, ионлантирувчи нурланиш генераторлари билан ишлайдиган персонални радиациядан ҳимоялашни оптималлаштиришга қаратилган ишлар бажарилмаган.

Ўзбекистонда ионланувчи нурланиш генераторларидан ва табиий-радиактив нуклидларидан даволаш муассаса ходимларини нурланиш қиймати баҳоланмаган ва улар самара қиймат катталикларигача келтирилмаганлигига оид кўплаб масалаларнинг илмий асосланиши ҳозирги вақтга қадар бажарилмаган. Бу саломатликка биргаликдаги радиацион таъсирни умумий хавфини аниқ белгилашга имкон бермайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03–4974 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавфли омилларни бартараф этиш» (2014–2018) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ионлаштириувчи нурланиш генераторлари билан ишлайдиган ходимларни радиациядан ҳимоялаш тартибини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Республиканинг пилот минтақаларида (Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри) даволаш профилактика муассасаларининг ташхислаш аппаратлари билан техник жиҳозлаш ва ривожланиш тенденциясини баҳолаш;

пилот минтақаларидаги даволаш профилактика муассасаларида ташхисий текширувларни сони, тузилмаси ва динамикасини гигиеник тавсифини тузиш;

пилот минтақаларидаги даволаш профилактика муассасаларидаги нурли (рентген) ташхислаш бўлинмаларида ходимларни нурланиш қийматини даражаси ва тузилмасини баҳолаш;

радиацион хавфнинг ҳисоблаб чиқилган жинс-ёш коэффициенти ва нурланган органлардаги эквивалент қиймат асосида рентген қурилмалари билан ишлаганда ходимларни нурланишини стохастик самарасидан радиацион хавфни ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб 2018-2020 йиллар давомида республиканинг пилот минтақаларидаги даволаш профилактика муассасаларида жойлашган нурли ташхислаш кабинетлари, рентген

ташхислашнинг техник жиҳозланганлиги, рентгенорадиологик тадқиқотлар ва мазкур муассаса ходимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида даволаш профилактика муассасаларидаги рентген ташхислашни техник жиҳозланишини ҳолати ва ривожланиш тенденцияси, рентгенорадиологик текширишлар динамикаси, сони, тузилмасини гигиеник тавсифини тузиш, нурли ташхислаш бўлинмаларида ходимларни нурланиш қиймати ва тузилмасини, нурланувчи органдаги эквивалент қиймат асосида рентгенологик муолажаларни ўтказишда ходимлар нурланишини стохастик самарасини радиацион хавфини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда санитар – гигиеник, дозиметрик, радиометрик, спектрометрик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳар, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги тиббий муассасаларнинг радиацион ҳимояси, рентгенологик текширишлар хизмат кўрсатувчи тиббий ходимлар учун энг юқори хавф радиацион хавф йўл қўйилган даражадан 4; 3,8 ва 3,7 марта юқорилиги асосланган;

табiiй ва сунъий бўлган барча қиймат ҳосил қилувчи ионланувчи манбаларидан рентгенолог-шифокорлар ва рентген лаборантларни нурланишини индивидуал ва жамоавий қийматини шаклланиш қонуниятлари, Тошкент ва Фарғона вилоятидаги барча қиймат ҳосил қилувчи омиллардан ходимларни нурланишини жамоавий миқдори 70 йил давомида 14551 ва 12173 мкЗв/йилни, Тошкент шаҳрида эса – 7918ни ташкил қилганлиги исботланган;

Пилот вилоятларидаги онкологик касалликларни ўртача йиллик даражаси 100 минг аҳолига 60-194 ҳолатни, корреляцион таҳлил самарали қийматдан касалланишни тўғри кучсиз боғлиқлиги ($r=0,28$) асосланган;

Ионланувчи нурланишнинг табiiй ва сунъий манбаларидан хавфли ҳосилаларни юзага келишини радиацион хавфи ҳар 10 минг аҳолига нисбатан бутун ҳаёти давомида жамоавий миқдор самарасида 500 саратон билан яқунланувчи ўлим ва 92 даволанувчи саратон касаллиги юзага келиши, хавф коэффиценти 70 йил давомида Фарғона ва Тошкент вилоятларида 268 ва 128 ҳолат ҳамда Тошкент шаҳрида – 123 ҳолатга тенглиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нурли ташхислашда моддий – техник, гигиеник, радиацион ва ташкилий элементларни ўзаро алоқаси ва роли тушунчаларини кенгайтирган;

ходимларни 7918-14551 инсон-мкЗвни ташкил этган ўртача йиллик нурланиш қиймати баҳоланган;

пилот вилоятларидаги А тоифа ходимларини нурланиш қийматининг энг катта улушини тиббиётдаги нурланиш (80-86%), кейинги ўринни радон ва уни парчаланиш маҳсулотлари (7-12%) ва табiiй гамма-фон (6-9%) берган;

ташхислаш бўлинмаларида радиацион назоратни ўтказиш ва радиацион хавфсизликни таъминлаш устидан назоратни ташкил этиш мавзусидаги услубий кўрсатма тавсия қилинган;

рентгенологик текширишларда ходимларни нурланиш қийматини таъминлаш бўйича гигиеник талаблар мавзусидаги услубий қўлланма амалиётга тақдим этилган;

ионланувчи нурланиш таъсири шароитида ишловчиларнинг профилактик овқатланишини ташкил этиш мавзусидаги услубий қўлланма чоп этилган;

рентген кабинет ходимлари учун йўриқнома мавзусидаги услубий қўлланма амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган гигиеник, дозиметрик, радиометрик, спектрометрик, статистик усуллар асосида ионлантирувчи нурланиш генераторлари билан ишлайдиган персонални радиациядан ҳимоялашни оптималлаштиришнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, тиббий анжомларнинг сифатли иш фаолиятини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, хонада ионлантирувчи нурланиш даражасини камайтириш ва табиий ва техноген радиоактив изотопларнинг ходимлар ва пациентлар саломатлигига таъсир даражасини ҳисобга олган ҳолда, аҳолининг радиацион хавфсизлигини баҳолаш бўйича комплекс ёндошув ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бешта услубий тавсиялар, тиббий ходимларни радиацион назорат алгоритми ишлаб чиқилган, шунингдек, зарурат бўлганда бажарилган операциялар кетма-кетлиги аниқланган. Улар соғлиқни сақлаш амалиёти радиологик лаборатория мутахассислари учун мўлжалланган. Ишлаб чиқилган ўқув услубий ҳужжатлар, радиацион хавфсизлик соҳасидаги мутахассисларни касбий тайёрлашда олий ўқув юртлари ўқув жараёнида қўллаш учун тавсия этилади. Уларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиниши тиббиёт ходимлари ва аҳоли саломатлик ҳолатига радионуклидларни таъсир хавфини камайтириш, аҳолини экологик хавфсизлигини таъминлашга ёрдам бериш билан биргаликда тиббий анжомларнинг радиацион хавфсизлигини самарадорлигини таъминлашга қартилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ионлантирувчи нурланиш генераторлари билан ишлайдиган персонални радиациядан ҳимоялашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Рентген хоналарида ишловчи ходимлар учун йўриқнома» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 1-сон маълумотномаси). Натижада рентген хоналари ишловчиларининг ионлантирувчи нурланишини олдини олиш чора-тадбирлари ва нурланишини олдини олишга қаратилган гигиеник тавсиялар ишлаш чиқиш имконини берган;

Ионлантирувчи нурланиш генераторлари билан ишлайдиган персонални радиациядан ҳимоялашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати, Тошкент ва Фарғона вилоятлари худудий санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати радиологик лабораториялари амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 1-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши тиббий ходимларни нурланишини олдини олиш таъминлаш мақсадида ҳамда ходимлар орасида онкологик касалликларнинг тарқалишини камайтириш ва радиацион хавфсизлигини таъминлашга қаратилган гигиеник чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ионлантирувчи нурланиш генераторлари билан ишлайдиган персонални радиациядан ҳимоялашни**

оптималлаштиришнинг замонавий талқини» деб номланган биринчи бобида даволаш ва профилактика муассасаларида тиббий анжомларнинг сифатли иш фаолиятини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, хонада ионлантирувчи нурланиш даражасини камайтириш ва табиий ва техноген радиоактив изотопларнинг ходимлар ва пациентлар саломатлигига таъсир даражасини камайтиришга қаратилган комплекс ёндошув ишлаб чиқиш, ишчилар ва пациентларнинг нурланиш дозалари ва уларнинг манбалари, ионланувчи нурланиш таъсири ҳисобига юзага келадиган онкологик касалланиш тўғрисида радиацион муҳофаза тизимларининг мезонларини такомиллаштириш тўғрисидаги илмий ишлар маълумотлари тақдим этилган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Ионлантирувчи нурланиш генераторлари билан ишлайдиган персонални радиациядан химоялашни баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, ҳажми ва усуллари, ташкил этилиши келтирилган. Республикамизнинг пилот ҳудудлари Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ионлаштирувчи нурланиш генераторлари билан ишловчи тиббий кабинетлар (рентгенодиагностик аппаратлар, рентгенорадиологик муолажалар ва тадқиқот) ҳисобланди.

Демографик кўрсаткичлар статистика бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат кўмитасининг расмий йиллик маълумотлар манбалари бўйича аниқланди. Ўрганилаётган минтақаларнинг даволаш-профилактик муассасаларида нур диагностикасининг ҳолатини батафсил ўргандик.

Ўрганилаётган минтақалар аҳолиси ва беморларининг тиббий диагностик нурланиш кўрсаткичларини Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий меъёрий базаси билан (СанПиН 0194-06 «Ускуналарга гигиеник талаб ва норма, санитар қоидалар ҳамда рентген хоналари, аппаратларини ишлатиш, рентгенологик тадқиқотлар олиб бориш»), шунингдек, РХБХК/радиацион химоя бўйича халқаро комиссия, МАБХА/атом энергияси бўйича халқаро агентлик, НК ДАР ООН/атом радиацияси ҳаракати бўйича БМТ халқаро комитети, ЖССТ ҳисобот нашрларида берилган дунё бўйича аналогик расмий маълумотлар билан таққослаган.

Мазкур ишда даволаш-профилактик муассасаларида давлат демографик, тиббий ва дозиметрик статистика маълумотларини қайта ишлаш натижасида олинган, шунингдек, рентген кабинетлари ва бўлимлар текширув натижалари, рентгенологик муолажа вақтида ходимлар нурлашининг индивидуал дозасини инструментал ўлчаш, рентгенологик аппаратдан радиацион чиқиш, республиканинг ўсувчи вилоятларида эпидемиологик маълумот материаллари берилган.

Нурланиш қиймати ва рентгенологик тадқиқот миқдори билан онкологик касалликлар даражаси муносабатлари ҳам ўрганилди.

Онкологик касалликлар онкология ва тиббий радиология Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказининг 7-ҳисоб шакли

(2016-2018 й.) бўйича ҳисобга олинган. Тадқиқотда ХКТ-10 таснифдан фойдаланилди [76]. Барча материаллар Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони бўйича «Статистик тўпلام»дан [147] фойдаланиш билан Ю.П.Лисицын тавсияномасига биноан [116] статистик қайта ишланди.

Нур ташхисотида рентгенологик текширувлар ва аппаратлар тузилиши ҳамда сонини аниқлаш. Нур диагностикасини аппаратлар билан жиҳозлаш икки асосий кўрсаткич: аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ва аппаратлар миқдори ҳамда сифати бўйича ўрганилади. Аппаратлар сони нисбий ва 100 минг аҳолига нисбатан кўрсаткичларда баҳоланди.

Аҳоли ва ходимнинг нурланиш даражасини аниқлаш. Аҳоли ва ходимнинг нурланиш даражаси ҳақидаги тўлиқ ва ишонарли маълумотни дозиметрик назоратнинг икки тури бўйича олдик:

«Б» гуруҳ ходимлари учун – нурланишнинг гуруҳий назорати. У ишчилар нурланишининг индивидуал қийматини аниқлашдан иборат: ушбу жойларда ходимнинг бўлиш вақти ҳисоби билан иш жойи дозиметрияси натижалари бўйича ҳисобланди;

«А» гуруҳ ходимлари учун – индивидуал назорат кузатиш даврида тана юзасида куйган индивидуал дозиметрлар ёрдамида тана ёки алоҳида аъзоларнинг нурланишини ўлчаш натижалари бўйича ишчилар нурланишининг индивидуал қийматини ўлчашдан иборат бўлди.

Иш жойларини назорат қилишда рентген ва гамма нурланиш дозиметрлари ўтказилди. Бу муолажа учун дозиметрлар $H^*(10)$ қиймат амбиент эквиваленти кучининг бирликларида градуицияланади, яъни, 10 мм фантом чуқурликда қиймат кучи ўлчанади. Қайд қилинаётган нурланиш дозиметри энергия диапазониға эътибор қаратиш зарур. Дозиметрлар 15-20 кэВ энергияда фотонларни қайд қилиши керак, чунки, улар рентген нурлари фотони сингари найчада бир хил кучланишга тенг бўлиб, нолдан максимал ҳолатгача (кэВда) турли энергияға эға бўлади. Агар 50–60 кэВ энергиядаги қайд қилинган фотонлар дозиметрларини назорат қилиш учун қўлланса, рентген нурланиши спектрининг катта қисми қайд қилинмайди ва ҳисобға олинмайди.

Индивидуал дозиметрик назорат. Ташқи нурланишнинг индивидуал дозиметрик назорати (ИДН) учта асосий турға эға: жорий; оператив; ишдан чиқиш ҳолати (авария).

Жорий назорат ишчининг касбий нурланиши учун индивидуал қийматни аниқлашдан иборат.

Оператив назорат ташқи нурланиш хавфи билан боғлиқ ишларни бажаришда касбий нурланишнинг индивидуал қийматини аниқлайди. Оператив индивидуал дозиметрик назорат бир ишчи смена вақтида кузатилади. Ишдан чиқиш ҳолатини назорат қилишнинг мақсади радиация ишдан чиқиши оқибатида ишчининг касбий нурланишида индивидуал қийматини аниқлашдан иборат. Жорий ва ишдан чиқиш ҳолатини назорат қилиш учун кенг кўламда ўлчаш диапазони билан термолюминесцент дозиметрлар ишлатилади, уларға кўрсатма эса одатда бир йилда бир неча

марта ҳисобланади. Оператив назоратда ионлашган камерали дозиметрлар ёки электрон дозиметрлардан фойдаланилиш мумкин, ёки гамма нурланиши учун 50–60 кэВ ва рентген нурланиш учун 15–20 кэВ қайд қилинган фотонлар энергия диапазонли қалам деб номланган фотондан фойдаланилади. Қийматлар ҳар сменада қайд қилиниши зарур ва йиллик нурланиш даражасини олиш учун йиғилади. Ходимнинг нурланишига йўл қўймай, белгиланган норманинг ошиши ҳақида хабар беради. Одатда оператив ва жорий назорат дозиметрлари бир вақтнинг ўзида ишчиларнинг олган меъёрдан ташқари самарали дозасини таққослаш учун ишлатилади. Бир рентгенологик муолажада нурланишнинг ўртача самарали қиймати бемор ва ходимлар ҳисобидан саналади.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Ўрганилаётган вилоятларда тиббий диагностик нурланишдан беморларнинг нурланиш даражасини гигиеник баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида ионлаштирувчи нурланишнинг техноген манбалари кузатилган ишларда тарқалган бўлса, энди нурланиш таъсир қилиши мумкин бўлган ионлаштирувчи нурланиш манбаларининг барчасида хавфсизликни таъминлайди. Уч йил мобайнида барча рентгенологик тадқиқотларнинг ўртача кўрсаткичи 3,1% га, ташхислаш рентгенологик тадқиқотлар кўрсаткичи - 4,2% га ортди.

Рентгенологик текширувлар турли профилдаги даволаш-профилактик муассасаларда олиб борилиши туфайли биз ушбу текширувларнинг тақсимланиш характерида қизиқ ҳолатга дуч келдик. Бунинг учун ҳар хил турдаги даволаш-профилактик муассасаларга тиббий ёрдам сўраган аҳоли мурожаатлари сонини баҳоладик. Ҳар қайси ўрганилган худудда аҳоли йилга 0,3-0,7 марта тиббиёт муассасаларига мурожаат қилишади. Кўпроқ уларнинг учтаси амбулатор поликлиник, қолганлари эса стационар ҳолатда эканлигини аниқладик.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бундай мурожаатларнинг 83% - стационар-ва 17%-амбулатор: Фарғона вилоятида мос ҳолда 68 ва 38% ташкил қилади. Бинобарин тажрибадаги вилоятлар даволаш-профилактик муассасаларига қилинган ҳар олти мурожаатнинг учтаси рентген текширувлари билан яқунланади, бу касалхона ва амбулатория ўртасида узлуксизлик мавжудлигини кўрсатади ҳамда беморнинг асосланмаган такрорий рентген текширувидан ўтишига олиб келади.

Амалдаги пилот вилоятлардаги нурланиш ташхислаш тадқиқотлари сони қуйидагини ташкил этади. Тошкент шаҳрида–328,9‰, Тошкент вилоят бўйича -183,3‰ ва Фарғона вилояти бўйича–213,1‰. Ташхислаш ва профилактик тиббий рентгенологик тадқиқотлар улуши 241,7‰ (турли пилот минтақалар учун 0,6 дан 328,9‰) ни ташкил этади. Нурли ташхислаш билан ўтказиладиган тадқиқотларнинг энг юқори сони Тошкент шаҳрида, энг пастки–Тошкент вилоятида аниқланади. Рентген қурилмаларидан

фойдаланиш улуши Фарғона вилоятида 18,2%, Тошкент вилоятида -25,6% ва Тошкент шаҳрида–56,2%ни ташкил этади. Уч йил давомида барча рентгенологик тадқиқотларнинг ўртача сони 3,1%га, ташхислаш рентгенологик тадқиқотлар 4,2%га ошди. Жойлашган ўрнига боғлиқ холда рентгенологик тадқиқотлар сонининг тахлили, уларни органлар бўйича тақсимланишини бир хилда эмаслигини кўрсатди: Тошкент шаҳрида кўкрак қафаси органлари–53,9%, суяк-бўғин тизими–29%, овқат ҳазм қилиш органлари–12,9%; Тошкент вилоятида мос холда–34,4, 62,1% ва 3,3%ни, Фарғона вилоятида мос холда – 40,1%; 42,4% ва 15,4%ни ташкил этди.

Худди шу каби нотекислик қиймат юкламаси, самарали ва жамоавий доза ва буни натижасида келиб чиқадиган радиацион омилдан келиб чиқадиган зарарлар бўйича аниқланади.

1-жадвал

Бир марталик рентгенологик муолажадан кейин пациентнинг самарали нурланиш қиймати, 2018, мкЗв/мАс

Тадқиқотнинг хажмий тарқалганлиги	Рентгенография	Флюорография	Рентгеноскопия
Бош қисми	0,59± 0,04	3,46± 0,98	1,88±0,12
Умуртқанинг бўйин қисми	3,24± 0,78	12,27± 2,14	4,10±0,96
Кўкрак қисми	3,32±0,91	0,62±0,76	4,67± 0,83
Бел қисми	6,41± 0,96	1,0±0,08	2,04± 0,77
Кўкрак қафаси органлари	0,3±0,01	0,50±0,06	6,14±0,79
Овқат ҳазм қилиш органлари	1,10±0,09	2,89±0,69	23,94±2,28
Буйрак, айрув тизими	7,15±2,22	26,77±1,59	4,1±0,99

Бемор ва ходимларни нурланиш қиймати радиацион–гигиеник баҳолаш мажмуаси ўз ичига битта муолажа учун ўртача самарали қийматини ва радиологик бўлим ишчиларининг йиллик жамоавий нурланиш қийматини қамраб олади. Ўрнатилдики, битта рентгенологик муолажадан нурланишнинг самарали қиймати текшириладиган жойга боғлиқ холда кенг ўзгариб туради. Энг юқори юкламалар (самарали қиймат) буйраклар, пешоб ажратиш тизими – 7,1; овқат ҳазм қилиш органлари рентгенографиясида–23,9 ва умуртқа поғонасининг бўйин қисми ва буйраклар флюорографиясида–12,2-26,8 мкЗв/мАс олинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, органда тиббий муолажалар ўтказилганда рентген нурлари барча яқин турган органларга тушади, нурлантиради ва уни радиацион хавфга учратади. Умуртқа поғонасининг бўйин қисми текширилганда юклама дозаси танлаб олинган усулга боғлиқ холда ўзгаради

– энг кичик–1,4 мкЗв/мАс (суяк кўмиги); энг юқори 140 (қалқонсимон без), бу битта тасвирдаги йиллик қийматининг 7%га мос келади. Рентген нурланишидан нисбий ютилган қийматини ҳисоблаш кўрсатдики, кўкрак қафаси рентгеноскопиясида энг катта ютилиш ўпкаларга, овқат ҳазм қилиш органлари текширилганда-гонадаларга, бўйин қисм флюорографиясида қалқонсимон безга тўғри келади.

Биз тадқиқот жойлашишига боғлиқликда кенг кўламда ўзгариб турувчи битта рентгенологик муолажада беморларнинг самарали нурланиш қийматини аниқладик (2-жадвал).

2-жадвал

Ишчи соҳада радон изотоплари тўпланиш натижасида ходимлар ва ички нурланишнинг ўртача йиллик зарарланиш миқдори

Вилоят	Касби	Концентрация, Бк/м ³		Йиллик қиймат, мкЗв/год
		М	м	
Тошкент	Врач	33,3	4,5	437,6
	Рентген -лаборант	31,5	4,1	411,1
Фарғона	Врач	31,6	3,9	411,1
	Рентген -лаборант	31,0	3,9	411,0
Тошкент ш.	Врач	30,9	1,8	397,8
	Рентген -лаборант	30,6	1,9	384,5

Иш жойларидаги радиация ҳолати қатор торий ва ураннинг табиий радионуклидларидан нурланиш натижалари бўйича баҳоланади. Кўп сонли тадқиқотлар кўрсатишича, нуклид қатори компонентлари ходимнинг ташқи (271-381 мкЗв/йил) ва ички (384-437 мкЗв/йил) нурланиши ҳисобига қўшимча самарали нурланиш қийматининг шаклланишида иштирок этади. Иккала компонент учун ўртача самарали қиймати бир йилда «В» ва «А» тоифадагилар учун 12-16% табиий манбалардан 655 - 818 мкЗв қийматни ташкил этади.

Шундай қилиб, уран торий ва қатори табиий радионуклидларнинг қўшимча дозали юкламасидан маҳсулотлар парчаланиб органларда бир хил тўпланмайди. Инсон организмда моддалар алмашинуви жараёнида улар юқори локал қийматларни аниқлайдиган хужайраларнинг турли тузилишларида стабил элементлар атоми, биологик фаол бирикмаларни алмаштиради. Радионуклин парчаланишида даврий тизимнинг қўшни гуруҳларига тегишли кимёвий элемент изотопларини ҳосил қилади, бу молекулаларни қайта тузишда кимёвий боғлиқликни парчаланишига олиб келиши мумкин. Радиация таъсир самараси нурланиш таъсирида бўлган жойдан умуман бошқа жойда намоён бўлиши мумкин. Радиация қийматининг ошиши организмнинг иммун тизимига зарар етказиб, турли

касалликларга унинг сезгир қилиб қўйиши мумкин. Нурланишда яна ёмон сифатли ўсмалар пайдо бўлиш эҳтимоли ортади.

Шифокор-рентгенолог ва рентген-лабораторларнинг иш жойларидаги табиий манбалар. Инсон ўзи яратган бу қўшимча радиация юктамаларига: рентгенологик текширув вақтида, катта баландликда учаётган реактив самолётда учганда, ядро қуроллари синовдан ўтказилганидан кейин радиоактив атмосфера қолдиқлари тушишида, шунингдек, электроэнергия олиш учун қуролланган, атом реактив ишлар натижасида кўп дуч келади. Нурланишнинг сунъий яратилган манбалари доимо табиатдан етадиган радиация фони даражасини оширади.

Етакчи рентген диагностикаси умумий тиббий қийматининг 99% ёки аҳоли нурланишининг тўлиқ 1/3 қийматини ташкил қилган. Ўрганилаётган вилоятларда «А» тоифадаги ходимлардан олинган рентген нурланиш қиймати ва иш жойларидаги нурланиш даражаларини баҳоладик.

Рентген хоналарида ишлаш салбий (ёмон) ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ. Улардан энг хавфлиси – рентген нурланиш, шунинг учун ходимнинг радиациядан ҳимояланиши соғлиқни ҳимоя қилиш ҳамда асосий техника хавфсизлиги шартларидан бири ҳисобланади. Рентген нурлари бошқа ионлаштирувчи нурланиш сингари биологик хусусият билан ифодаланади. Инсон организми тўқималари билан гамма-квантларнинг ўзаро таъсирида дастлабки самара соматик ва генетик йўналишда, кейинчалик биокимёвий реакцияларнинг тез ривожланиши билан молекула ҳамда атомлар ионлашиши ёки қўзғалиши ҳисобланади. Бир мартали юқори ва умумий дозаларда айрим аъзолар ҳамда тўлиқ организмда қайтарилмас ўзгаришлар кузатилади.

Ходимнинг иш жойидаги нурланишнинг эквивален қиймат кучи 2712-4825 мкЗв/йил диапазонда ўлчанди, унинг умумий қийматга улуши минтақага боғлиқликда 17-56% ни ташкил қилади. Бу кўрсаткичлар ушбу минтақаларда, биринчидан, асосланмаган текширувлар частотасининг жуда юқорилигида, иккинчидан, рентгенологик текширувларнинг сезиларли қисми профилактик мақсадда ўтказилади. Бахтга қарши, уларнинг аксарияти фойдали диагностик маълумот беради, фақат ходим ва беморларнинг аниқланмаган нурланиш таъсирига туширади.

Шундай қилиб, рентген хоналарида ишловчи кишилар хонадаги радиация ҳолатини тўғри баҳолаши зарур ҳамда нурланишнинг сифатли ва миқдорий тавсифларини билишга мажбур.

Шифокор–рентгенолог ва рентген-лабораторлар ташқи нурланишининг самарали қиймати. Кўплаб замонавий диагностика усулларига қарамай, рентгенологик текширув ҳанузгача кенг қўлланилмоқда. Албатта, бу муолажа инсон учун хавфсиз ва ташхис қўйиш учун эса етарлича маълумотли. Бироқ, тадқиқотни бутунлай хавфсиз бўлиши учун қилинган ҳаракатлар муваффақиятсизликка учради. Инсонни ҳар қандай аъзосининг рентгендаги нурланиш қиймати умумлаштирилиши ва керакли меъёрдан ошишига сабаб бўлади. «А» тоифасидаги ходимлар ташқи нурланишининг

самарали доза кўрсаткичлари иш стажига боғлиқликда 425-10114 мкЗв диапазонда ўзгариб туради. Ионлаштирувчи нурланиш манбаи билан 20 йил ишлаган амалий ходим 10 минг мкЗв дан ортиқ ёки 50% «А» тоифадаги ходим нурланиш қийматини олади (Тошкент шаҳрида бу ҳажм 43% гача, Тошкент ва Фарғона вилоятларида мос ҳолда 50 ва 48% га тўғри келади).

Инсонлар фаолиятида нурланиш генераторларидан фойдаланилганда радиацион ҳимоя тизими аста секин такомиллашиб борди, олинадиган қийматлар эса камайди. Қийматини пасайиши нафақат ионланувчи нурланишнинг биологик таъсири бўйича янги тажриба маълумотлари оқибатида, балки бузувчи нурланишни зарарли таъсиридан ҳимоя кўринишида амалга оширилди. Индуцирланган нурланишдан кейинги лейкомиядан қўшимча (ортиқча) ўлим ҳолатига сабаб бўлган энг юқори даража, радиацияни катта қиймати таъсиридан кейин 3-5 йилларга тўғри келса, йирик радиоген хавфли ўсмалар таъсирдан кейинги 9-11 йилларга тўғри келади.

Ҳозирги вақтда нурли ташхислаш усуллари ҳар доимгидан кўпроқ талабгордир. Пилот вилоятларда ташхислаш учун 73,4% рентген аппаратлари (21,1 – УТТ ва 5,5%-ЯМР) қўлланилади. Шунинг учун ҳар қандай рентген тасвири фақат врач кўрсатмасига кўра ва беморлар учун фойда ва зарар нисбати бўйича қиёсланган ва асосланган бўлиши керак.

Иш жойларида нурланиш қийматининг эквивалент қуввати минтақага боғлиқ ҳолда 2712-4825 мкЗв/йил, унинг умумий қийматга қўшган ҳиссаси 17-56%ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар шуни кўрсатадики, мазкур минтақаларда биринчидан асосланмаган текширишлар сони жуда юқори (ҳар 1000 кишига 183,3-328,9‰) ва иккинчидан рентгенологик текширишларнинг аксарият қисми профилактик мақсадларда бажарилади (1000 аҳолига 9,9-63,9‰).

Шунинг учун бизлар ионланувчи нурланиш генератори билан ишловчи ходимларнинг иш стажига боғлиқ ҳолда ташқи нурланиши самара қийматини баҳоладик. Маълум бўлдики, «А» ходимларини ташқи нурланишини самара қийматини иш стажига боғлиқ ҳолда 425-10114 мкЗв диапазонда олади. Амалий жиҳатдан «А» тоифа ходимлари, ионланувчи нурланиш генератори билан 20 йил давомида ишлаб, 10 минг мкЗвдан юқори ёки уни нурланишини йўл қўйиладиган дозасидан 50% юқори нурланиш оладилар (Тошкент шаҳрида бу катталиқ 43%гачани, Тошкент ва Фарғона вилоятларида эса -50 ва 48%ни ташкил этади). Пилот вилоятларда ходимларнинг индивидуал самара қиймати 0,4–2 мкЗв/йилни, яъни, Ўзбекистонда қабул қилинган касбий қийматнинг 2-10%ни ташкил этади. Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги касбий нурланиш Тошкент шаҳрига нисбатан – 3 ва 4,5 марта энг юқори бўлди.

Бундан келиб чиқадики, тиббий муассаса ходимларини нурланиши қуйидаги омиллар сабабли жуда хавфлидир: рентген нурланиш радиациянинг табиий манбалари қувватидан ортиб кетиши, тиббий нурланиш организмда нотекис тақсимланиши, органлар бутун касбий фаолият давомида рентген

нурлари таъсирига учраши, қийматни ортиши билан ушбу самараларнинг оғирлиги ошмайди, балки стохастик самарани юзага келиш эҳтимоллиги (ҳавфи) ортади.

Эквивалент ва самара қийматлари асосида бизлар хавф коэффициентини ҳисобладик ва ходимларнинг индивидуал ҳавфини рентгенологик муолажалар тури билан солиштирдик. Бунда органнинг радиосезувчанлигидан қийматни боғлиқлигини ва ходимлардаги стохастик самарани юзага келиш самарасини кўриб чиқдик. Маълум бўлдики, радиацион ҳавф барча таҳлил қилинадиган текшириш турлари учун яққол намоён бўлган ёш боғлиқлигига эга. Бунда, энг юқори хавфга фақат текширишнинг маълум турларини ўтказувчи ходимларгина учрайди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи турли орган ва тўқималар: бош мия суяги, ўпка, қорин бўшлиғи аъзолари ва умуртқанинг бел соҳасининг индивидуал самарали ҳамда эквивалент қийматини аниқлашдан иборат бўлди. Улар текширув тартибининг кўрсаткичлари, рентгенодиагностик аппаратлардан радиация чиқиши бўйича ҳисобланди.

Саратоннинг ёшга боғлиқлиги БМТнинг АРХБИК материалларида қиймат самаранинг чизиқли ва чизиқли-квадрат боғлиқлигида нисбий ва мутлоқ хавф моделида берилган.

3-жадвал

Ортиқча нисбий ва абсолют атрибутив таҳлика омилининг ёш коэффициенти, 10^{-1}Зв^{-1}

Таҳлика модели	Контингент, ёш								жами
	0-9	10-19	20-29	30-39	40-49	50-59	60-69	70 ва юқори	
ERR 1	2,42	1,87	1,42	1,01	0,64	0,35	0,15	0,04	1,00
ERR 2	3,50	1,31	0,94	0,75	0,60	0,44	0,27	0,10	1,00
ERR 3	2,42	1,87	1,42	1,01	0,64	0,35	0,15	0,04	1,00
ERR 4	2,10	1,79	1,45	1,10	0,75	0,46	0,24	0,09	1,00
ERR 5	2,09	1,78	1,44	1,09	0,75	0,46	0,24	0,09	1,00
Ўртача	2,51	1,72	1,33	0,99	0,68	0,41	0,21	0,07	1,00

Ўртача турли моделлар учун олинган кўрсаткичлар бир-бири билан таққосланди. Тадқиқотимиз учун ортиқча нисбий ва атрибутли хавфдан фойдаланишга асосланган ўртача ёндашувни танладик. Ушбу вариант анча катта даражада турли ёш ва жинсдаги контингентларнинг ташқи (тиббий) нурланишига мос келади.

Турли жинс индивидуумлари хавф коэффициенти сифатида №103 МКРЗ нашри А иловасидан фойдаланилди.

**Ёш ва жинсига боғлиқ равишда нурланишнинг хавф коэффициенти,
10⁻⁴ Зв⁻¹ [127]**

Орган (тўқима)	Тахлика коэффициенти	
	Эркаклар	Аёллар
Қизилўнгач	12,6	13,6
Ошқозон	57,9	77,5
Йўғон ичак	66,8	29,0
Жигар	36,1	17,0
Ўпка	59,9	120,7
Суяк кўмиги	5,1	5,1
Тери	4,0	4,0
Сут безлари	0,0	159,7
Тухумдон	0,0	19,8
Сийдик пуфаги	17,5	15,8
Қалқонсимон без	4,8	20,6
Қизил суяк кўмиги	69,8	53,2
Бошқа тўқималар	123,9	103,1
Жинсий органлар	25,4	25,4
Жами	483,9	664,6

Шундай қилиб, рентгенологик муолажаларда соғлиқ учун стохастик (асосан, канцероген) натижанинг ҳаёт давомидаги индивидуал радиация хавфи баҳоланди. У радио сезувчанлик (бош мия суягининг тўғри тасвирида рентгенография, ККА, қорин бўшлиғи аъзолари, маммография ва умуртқа поғонасининг бел қисми (УПБК) ҳисоби билан органлардаги эквивалент қиймати асосида олинди. Хавфга боғлиқлик катта аҳамиятга эга экан. Айрим тоифадаги кишилар учун самарали қиймат бўйича ҳисобланган хавф саломатлик учун радиация хавфини етарлича тўлиқ акс эттирмайди. Ходимларни радиациядан муҳофазаси нуқтаи назаридан, биз ўрнатган самарали дозадан келиб чиқадиган хавфнинг баҳоланмаслиги, шубҳасиз жиддий эҳтиборга лойиқдир. Бу ерда яна таъкидлаш жоизки, ташхислаш технологияни таққослаш учун коррекция қилинмайдиган инструментнинг самарали қиймати, мазкур тадқиқот тиббий рентгенологик муолажаларида, радиациядан ҳимояланишда самарали қийматни қўллаш тўғрилиги ҳақида саволни кўтариб чиқади.

